

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ
БАҲОЛАШ БЎЙИЧА СПОРТ
СИНОВЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА**

Тошкент - 2025

Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025 й. – 28 бет.

Мазкур қўлланма аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини содда ва равон тилда тушунтиришга қаратилган.

Қўлланмада спорт синовларининг мақсади, спорт синовларини ўтказишнинг асосий вазифалари, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими иштирокчилари, спорт синовларининг мажбурий ва ихтиёрий талаблари, ғолибларни тақдирлашга оид асосий кўрсатмалар қамраб олинган.





Ушбу қўлланма спорт соҳасидаги давлат хизматчилари, спорт ташкилотлари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ	3
КИРИШ	4
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	5
ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ИШТИРОКЧИЛАРИ	9
АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ.....	14
ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ	19
ИЛОВАЛАР	23

Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари

<p>“Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 декабрдаги “Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПҚ–443-сон қарори</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5148-сон қарори</p>	
<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 январдаги “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 23-сон қарори</p>	

КИРИШ

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланадиган ёшлар қамровини кенгайтириш, республикада спорт билан профессионал ва доимий шуғулланувчи ёшлар улушини ошириш, миллий терма жамоаларга юқори малакали ва натижадор спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантириш мақсадлари назарда тутилган.

Шу билан бирга, **2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари** қаторига оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш орқали ёшлар қамровини **8 млндан ошириш**, спорт билан шуғулланишга жалб қилинган аҳоли улушини **36 фоизга етказиш**, Олимпия ва паралимпия ўйинларида кучли **15 та мамлакат қаторидан** ўрин эгаллашга эришиш кабилар киритилган.

Ўз навбатида, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури доирасида 2025 йилда соғлом турмуш тарзини ривожлантириш мақсадида, оммавий спорт мусобақаларида **аҳоли қамровини 12 млн кишига** етказиш мақсади қўйилганлиги бежиз эмас.

Шунга кўра, спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш, бунда аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш юқоридаги мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган **Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий қўлланма** жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими иштирокчилари, аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш каби масалаларни қамраб олади.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш ва оммавий ҳаракатга айлантириш, аҳолининг жисмоний қобилятини аниқлаш ва рағбатлантириш, зарарли одатлар ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларини рўёбга чиқариш муҳим вазифа ҳисобланади.

Спорт тадбирларини, оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш давлатнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўлларида биридир.



Жисмоний тарбия ёки спорт тадбирлари ташкилотчилари бу тадбирларни ўтказиш шартларини, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказишни молиялаштириш шартларини белгилайди, бундай тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлади, ушбу тадбирларни тўхтатиш ва

бекор қилиш, уларни ўтказиш вақтини ўзгартириш ва уларнинг яқунларини тасдиқлаш ҳуқуқига эга.



Спорт синовларининг мақсади шуки, аҳолининг барча қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштирилади ва уларнинг жисмоний қобилияти, ҳаракат фаоллиги такомиллаштирилади, меҳнатга лаёқати оширилиб, зарарли одатлар, турли касалликларнинг олди олинади ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантирилади.

Спорт синовлари тамойиллари



ихтиёрийлик ва оммавийлик



шахсни жисмоний ҳаракатланишга йўналтириб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш



даврий равишда тиббий назоратдан ўтишни ташкил этиб, саломатликни назорат қилиш

Спорт синовларини ўтказишнинг асосий вазифалари:

- 📌 жисмоний тарбия ва **спорт машғулотларига жалб этиш** ҳамда спорт билан машғул шахслар сафини кенгайтириш;
- 📌 аҳолининг саломатлиги ва **жисмоний имкониятлари даражасини** ошириш;


- 1 жисмонан бақувват, баркамол ва соғлом бўлишга, спорт билан чиниқишга, **спортни кундалик турмуш тарзига айлантиришга** эришиш;
- 1 жисмоний тарбия ва **спортга оид билим ва кўникмаларни** ошириш;
- 1 қишлоқлар ва маҳаллаларда **соғломлаштириш ишларини** янада ривожлантириш;
- 1 ёшларда **ирода, ўз кучига ишончни мустаҳкамлаш,** жасорат, ватанпарварлик ва садоқат хислатларини ривожлантириш;
- 1 спортга бўлган қизиқишни ошириш, ёшлар ўртасида **соғлом турмуш тарзини шакллантириш** ҳамда зарур шарт-шароитларни яратиш;
- 1 жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олишнинг самарали ва шаффоф тизимини яратиш ва юқори **малакали спортчиларни босқичма-босқич тайёрлаш тизимини** татбиқ этиш;
- 1 ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, Ватан мудофаасига муносиб **захира кадрлар тайёрлаш;**
- 1 давлат органлари ва ташкилотларининг **аҳоли саломатлигини таъминлаш борасидаги масъулияти ва ролини** янада ошириш ҳамда фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этиш.



Спорт синовларининг жойларда мунтазам ўтказилиши Спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича **республика комиссияси**, ҳудудий ва туман (шаҳар) **ишчи гуруҳлари томонидан** мувофиқлаштирилади.


*Республика комиссияси, ҳудудий ишчи гуруҳлари таркиби билан Қўлланманинг **2-иловасида** танишиш мумкин.*

Ҳудудий ва туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари таркиби:



- 🎯 “спорт тарғиботчилари”;
- 🎯 болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг **тренерлари** (*ихтиёрий равишда*);
- 🎯 ҳар бир маҳалла ҳудудида жойлашган умумтаълим мактабларининг **жисмоний тарбия ўқитувчилари** (*ихтиёрий равишда*).

ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ИШТИРОКЧИЛАРИ



Республика комиссияси бир йилда камида 2 мартаба **(ярим йиллик, йиллик)** бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

Шунингдек, спорт синовларининг **махсус талабларини** бажарган **ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш** ҳақидаги якуний хулосани тасдиқлайди.

Зарур ҳолларда спорт синовлари **натижаларини бекор қилиш** юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади.

Ҳудудий ишчи гуруҳлари:



тегишли ҳудудда **спорт акциялари, ҳаваскорлик чемпионатлари, конкурслар** ташкил этади;



спорт синовлари **ўтказиладиган сана, ўтиш жойи, режаси ва шартлари** бўйича маълумотларни камида бир ой олдин ОАВда, Интернет ва ижтимоий тармоқларда эълон қилдиради;



натижаларнинг расмийлаштириш жойларда **адолатли ва шаффоф** ҳолда ташкил этилиши юзасидан назоратни ташкил этади;



спорт синовларининг махсус талабларини бажарган иштирокчилар натижалари қайд этилган **баённомалар ва видеотасвирларни** кўриб чиқади;



спорт синовларининг махсус талабларини бажарган ғолиб ва **совриндорларни тақдирлаш** ҳақидаги якуний хулосани Республика комиссиясига киритади;



спорт синовларининг **ғолибларини** таниқли спорт ва маданият намоёндалари иштирокида фестиваллар ташкил этиш орқали **тантанали тарзда** тақдирлайди.


Туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари:



туман (шаҳар)ларда **спорт синовлари тарғиботини** ташкил этади (*маҳаллий чемпионлар иштирокидаги спорт акциялари, конкурслар ва маҳорат сабоқлари*);



синовларда қатнашиш истагидаги шахсларни **шартлар билан таништиради, иштирок этувчилар рўйхатини** шакллантиради ва мунтазам юритади;



туман (шаҳар)ларда оммавий спортни кенг тарғиб қилиш учун етарли **шарт-шароитлар** яратади ва синовларнинг **махсус талабларини** қабул қилиш учун **алоҳида марказларни** ташкил этади;



синовларнинг **ихтиёрий талабларини** қабул қилиш учун **спорт иншоотлари рўйхатини** шакллантиради ва аҳолини ёш тоифаси бўйича маҳаллалар кесимида бириктиради;



синовларнинг **ўтиш жойи,** бириктирилган тренер ва **масъуллар тўғрисида маълумотларни** ҳудудий ишчи гуруҳга тақдим этиб боради;



ихтиёрий ва махсус талаблар бўйича **ғолибларни** аҳолини ёш тоифаси кесимида аниқлайди;

*Ёш тоифаси бўйича ғолибларнинг умумий **натижаси бир хил бўлганда,** спорт машқларидан бири қуръа ташлаб танланади ва қайтадан синовлар олинади ва ғолиб аниқланади.*



ҳар бир ёш тоифаси бўйича ўтказилган синовларнинг **махсус талабларини бажарган иштирокчилар натижалари** қайд этилган **баённомалар ва видеотасвирларини** 3 кун муддатда ҳудудий ишчи гуруҳга тақдим этиб боради;



ғолибларни тантанали равишда **тақдирлайди,** синовларни такомиллаштириш, ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан **таклифлар** тайёрлаб, ҳудудий ишчи гуруҳга киритади.

- таклиф ва мулоҳазалар ҳамда мутахассис ва экспертларнинг хулосаларини инобатга олиб, спорт синовларининг турлари ва мезонларига ўзгартириш киритиб боради;
- спорт синовларининг соғлом шахслар учун ихтиёрий ва махсус талаб(синов)лари ҳамда имконияти чекланган шахслар учун ихтиёрий ва махсус талаб (синов)ларини тасдиқлайди.



Ички ишлар вазирлиги

спорт синовларини ўтказишда **ҳудудий ишчи гуруҳларга кўмаклашади**;

ҳар йили **январь-февралда** маҳалла профилактика инспекторлари томонидан ўз ҳудудида истиқомат қилувчи **уюлмаган ёшлар ва аҳолининг рўйхати** шакллантирилади;

Миллий гвардия билан ҳамкорликда спорт синовлари жойларида ва уларнинг атрофида **жамоат тартибини сақлайди**, йўл ҳаракати иштирокчиларининг автотранспортларини **йўл-патруль хизмати автомашиналари ёрдамида** кузатади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги синов жойларида ҳамда уларнинг атрофида **фавқулодда вазиятларни олдини олиш** ва **ёнғин хавфсизлигини таъминлаш** бўйича зарур чоралар амалга оширилишини таъминлайди.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги

синовларни топширишда иштирок этадиган шахсларни, давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритувчи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчиларни ҳамда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича масъулларни **даврий равишда тиббий кўрикдан ўтказишни** ташкил этади;

синовларни топширишда иштирок этадиган шахсларнинг **тиббий кўрик натижаларини** ҳудудий ишчи гуруҳларига тақдим этади ҳамда иштирокчиларга юқори савияда тиббий хизмат кўрсатилишини, тадбир жойларида зарур **тиббий анжомлар, дори воситалари** ва **тез ёрдам автомашиналари навбатчилиги** ташкил этилишини таъминлайди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси спорт синовлари жойларининг **санитария нормалари, қоидалари** ва **гигиена нормативларига мослигини** таъминлайди.

АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

Спорт синовлари **йилига бир марта** ўтказилади:

- ↳ эркалар ва аёллар учун алоҳида;
- ↳ ёш гуруҳлари бўйича.

Синовларни топширувчи ҳар бир шахснинг натижалари “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовларининг махсус веб-сайтига киритиб борилади.


📍 Спорт синовларининг ихтиёрий талаблари қуйидаги жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган:

- 📍 тезлик ва кучланиш имкониятларининг ривожланиш даражаси;
- 📍 ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи қобилиятининг ривожланиш даражаси;
- 📍 эгаллаган амалий кўникмаларининг ривожланиш даражаси.

📍 Спорт синовларининг махсус талаблари қуйидаги жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган:

- 📍 **чидамлилиқ** имкониятларининг ривожланиш даражаси;
- 📍 **куч имкониятлари**нинг ривожланиш даражаси;
- 📍 **эгиловчанлик** имкониятларининг ривожланиш даражаси;
- 📍 **тезлик** имкониятларининг ривожланиш даражаси.

Синовлар қуйидаги 11 та ёш тоифасидаги гуруҳга бўлинади:



✦ Қуйидагилар учун **спорт синовлари талаблари** тегишли спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда алоҳида ишлаб чиқилади ва келишилган ҳолда Спорт вазирлиги томонидан тасдиқланади:

**Миллий гвардия,
Давлат хавфсизлик
хизмати, Мудофаа
вазирлиги,
Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги, Ички
ишлар вазирлиги
tizимидаги барча
ташкilotлар**

• раҳбар ва ходимлари,
инструкторлари, тренерлари,
курсантлари, ўқувчилари,
спортчилари (спортчи паспорти
ёки спорт унвонлари ва
тоифаларига эга шахслар)

**Спорт вазирлиги
tizимидаги барча
спорт таълим
муассасалари**

• тренерлари, спортчи
ўқувчилари, шунингдек
спортчилари (спортчи паспорти
ёки спорт унвонлари ва
тоифаларига эга шахслар)

Синовларда иштирок этувчилар рўйхати шакллантириляётганда қатнашиш истагини билдирган шахслар ихтиёрий равишда туман (шаҳар) ҳокимликларида тузилган ишчи гуруҳга ариза ва соғлиғи юзасидан тегишли маълумотномани билан мурожаат қилади (аризада ихтиёрий ёки махсус талабларни бажариши аниқ кўрсатилади).



Жисмоний имкониятлари чекланган шахсларнинг спорт синовларида иштироки

- ◆ мазкур спорт синовларининг турлари ва мезонлари (*ихтиёрий ҳамда махсус талабларини бажариши*) асосида;
- ◆ ота-оналар, васийлар иштирокида ихтиёрий равишда;
- ◆ шифокор тавсиялари ва қатъий назорати остида.

Махсус талабларни бажариш истагини билдирган иштирокчилардан спорт синовларини қабул қилиш натижалари **баённома тузилади**. Туман (шаҳар) ишчи гуруҳи жараёнларни тўлиқ видеотасвирга олади.



Видеотасвирга олинмаган ҳолатлар инobatга олинмайди.

Ҳар бир туман миқёсида 11 та ёш тоифасига (эркаклар ва аёллар алоҳида) кўра, энг юқори натижа қайд этган (1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган) шахслар (эркаклар ва аёллар алоҳида) ғолиб ва совриндор деб топилади.



Соғлиғи ҳолатига кўра рўйхатда турувчи шахслар ва ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлганлар **спорт синовларини топширишларига йўл қўйилмайди.**

Синовларда қўлга киритилган натижалар бекор қилинадиган ҳолатлар:



жисмоний ва юридик шахсларнинг **ишончли (асосли) муурожаатлари**



иштирокчиларнинг натижалари қайд этилган **баённомалар ва видеотасвирларни** кўриб чиқиш асосида



допингга қарши қоидаларнинг бузилиши, **тақиқланган моддалардан фойдаланиш** аниқланганда

Допингга қарши қоидаларнинг бузилиши, тақиқланган моддалардан фойдаланиш ҳолатлари ҳудудий ишчи гуруҳларининг талабномалари асосида **Миллий антидопинг агентлиги** томонидан берилган хулосаларга асосланади.

Шикоят бериш тартиби

1 иш куни ичида

- Ёзма ариза билан апелляция комиссиясига мурожаат қилинади



3 иш куни ичида

- Апелляция комиссияси аризани ва синов натижаларини кўриб чиқиб, ҳудудий ишчи гуруҳга ёзма хулоса топширади.



Ҳудудий ишчи гуруҳи

- кўриб чиқиш натижаларига кўра қарор қабул қилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаат:

- 📍 **давлат тилида** ва бошқа тилларда;
- 📍 мурожаат этувчининг **электрон почта манзили, алоқа телефони** кўрсатилиши мумкин.

Масала мурожаат этувчи иштирокида кўриб чиқилиши шарт.

Мурожаатга жавобни имзолаши мумкин:

- 📍 ҳудудий ишчи гуруҳи раҳбари;
- 📍 у бўлмаганда ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари ва Апелляция комиссияси раиси.

ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

Ғолиб ва совриндорлар ҳар бир ёш тоифасида (эркаклар ва аёллар алоҳида) фақат бир марта **I, II ва III даражали “Жисмоний тайёргарлик даражаси” кўкрак нишонлари** ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

“Жисмоний тайёргарлик даражаси” кўкрак нишонлари намуналари билан Қўлланманинг 3-иловасида танишиш мумкин.



Ихтиёрий талабларни бажарган ғолиб ва совриндорларга **кўкрак нишонлари берилмайди**, балки фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилади.

Синовлар ўтказилгач махсус талабларни бажарган иштирокчилар натижалари бўйича 1 ой муддат ичида **Республика комиссиясининг қарори** қабул қилинади.

Қарорда ғолиб ва совриндорлар “Жисмоний тайёргарлик даражаси” кўкрак нишонлари билан тақдирлаш ҳамда мос ўрнига ва даражасига қараб тегишли **спорт тоифалари ва унвонлари** берилиши назарда тутилади.

Ғолиб ва совриндорларни тантанали рағбатлантириш туман (шаҳар) ҳудудий ишчи гуруҳлари томонидан ташкил этилади.



Махсус талабларни муваффақиятли бажарган шахслар (1, 2 ва 3-ўрин) учун имтиёзлар ва рағбатлантиришлар:

→ сафарбарлик чақируви резервидаги **ҳарбий хизмат тўловининг 50 фоизини** чегирма билан тўлаш ва муддатли ҳарбий хизматга биринчилар қаторида устунлик билан юбориш;

→ 1-ўринларни **“Темурбеклар мактаби”га тест синовларисиз** танловдан ташқари ўқишга қабул қилиш;

→ давлат туман (шаҳар) кўп тармоқли тиббиёт муассасасида бир марталик **бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрик**;

→ ғолибларга (1-ўрин) умумий фойдаланишдаги давлат йўловчи ташиш **шаҳар транспортда бепул** ҳамда ҳудудлараро ҳаракатланишда **50 % чегирмали тўлов** билан имтиёзли юриш имконияти (бундан такси, шу жумладан йўналишли такси мустасно);

→ фарзандларини ўзлари яшаётган жойдаги умумтаълим мактаби, мактабгача таълим ташкилотлари, шунингдек, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига **навбатсиз жойлаштириш**;


→ иш жойи ҳисобидан дам олиш масканлари ва санаторийларга **бепул йўлланмалар**;

→ ишга ёки ўқишга қабул қилинишида **жисмоний тайёргарлик талаб этиладиган имтиҳон** (олий таълим муассасалари спорт йўналишларидан ташқари), **синов, амалий машғулотларда устунлик** (имтиҳонда максимал балл ёки амалий машғулотлардан озод қилиниши).

*Ғолиб ва совриндорлар имтиёзлар ва рағбатлантиришлардан **1 йил мобайнида** фойдалана олади.*



Синовларда аниқланган **рекордлар** мунтазам равишда ОАВ ва Интернет орқали эълон қилинади.



Фуқаро бўлмаган, лекин махсус талабларни бажарган шахслар ҳам I, II ва III даражали кўкрак нишонлари билан тақдирланиши мумкин.

Спорт синовларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар манбалари:

 **бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар;**

 **ҳомийлик хайриялари.**



Спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасида назарда тутилган маблағлар



Спорт вазирлиги



“Жисмоний тайёргарлик даражаси” кўкрак нишонларини тайёрлаш ва тарқатиш, эсдалик совғаларини харид қилиш, Ўзбекистонда “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовларининг рекордлари номли таҳлилий махсус китобини чоп этиш

Фойдаланилган тушунчалар изоҳи

Апелляция комиссияси	спорт синовларини ўтказиш билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш учун Спорт вазирлиги ҳамда ҳудудий ишчи гуруҳлари қарори асосида малакали мутахассислардан (тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси вакиллари ҳамда жамоатчилик вакиллари) иборат камида 5 кишидан иборат комиссия
Спорт тадбирлари	спорт мусобақаларини, ўқув-машқ жараёнини ва спортчилар иштирокида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар
Спорт ҳаками	спорт тури қоидаларига ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги низомга (регламентга) риоя этилишини таъминлаш учун жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси томонидан ваколат берилган, махсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли малака тоифасини олган жисмоний шахс
Тренер	тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун малака сертификатига эга бўлган ҳамда ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс;
Спорт мусобақаси	спортчилар ўртасида ёки спортчилар жамоалари ўртасида ҳар хил спорт турлари

(спорт дисциплиналари) бўйича мусобақанинг энг яхши иштирокчисини аниқлаш мақсадида жисмоний тарбия ёки спорт тадбирининг ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича ўтказиладиган беллашув

Оммавий спорт спортнинг ташкил этилган ва (ёки) мустақил машғулотлар, шунингдек оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш орқали аҳолини жисмоний тарбиялаш, соғломлаштириш, камол топтириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этишга доир қисми

Оммавий жисмоний тарбия тадбирлари аҳолини жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишга ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирлар

Спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича Республика комиссияси таркиби	
1.	Спорт вазири, <i>Комиссия раиси</i>
2.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири
3.	Соғлиқни сақлаш вазири
4.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазири
5.	Мактабгача ва мактаб таълими вазири
6.	Маданият вазири
7.	Давлат хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари
8.	Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари
9.	Мудофаа вазирининг ўринбосари
10.	Ички ишлар вазирининг ўринбосари
11.	Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари
12.	Туризм қўмитаси раиси ўринбосари
13.	Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директори
14.	Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси
15.	Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси
16.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларининг намунавий таркиби

1.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, <i>ҳудудий ишчи гуруҳи раҳбарлари</i>
2.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бошқармаси бошлиқлари, <i>ҳудудий ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосарлари</i>
3.	Қорақалпоғистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари бошлиқлари
4.	Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари
5.	Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиқлари
6.	Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари бошлиқлари
7.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миллий гвардия бошқармалари бошлиқлари
8.	Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари
9.	Ҳарбий округлар бошлиқлари
10.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари бошлиқлари
11.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар ишлари бошқармалари бошлиқлари
12.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раислари
13.	Олий таълим муассасалари ректорлари

“Жисмоний тайёргарлик даражаси” кўкрак нишони

I даражали кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



II даражали кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



III даражали кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



